

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



## Парламент хабарлари ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир», шунингдек, 2010 йил 29 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» мавзусидаги маърузаларида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Ёқубов маъруза қилди.

Дастурнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларини комплекс равишда қонунчилик йўли билан таъминлаш, Қонунчилик палатасининг самарали назорат-таҳлил фаолиятини, депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини ташкил этиш, либерал ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, парламентни мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг ифодаловчисига айлантиришдан иборат.

Дастур давлатимиз раҳбарининг жорий йил январь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган принципиал қоидалар ва ғоялар асосида ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳужжатда сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг дастурларида белгиланган вазифалар ўз аксини топган. Дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда депутатлар парламент, шунингдек, сиёсий партиялар ҳамда улар фракцияларининг мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш ва модернизация қилишдаги ролини янада оширишни таъминлашга, Ўзбекистонда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» принципини изчил рўёбга чиқаришга қаратилган устувор вазифаларни самарали амалга оширишлари учун янги ёндашувлардан фойдаланилган.

Умуман олганда, мазкур Дастур доирасида, 2010 йил мобайнида жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг турли йўналишлари бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи барча субъектларнинг фаол иштирокида ишлаб чиқиладиган ва киритиладиган 39 та қонунни қабул қилиш режалаштирилмоқда. Бунда ушбу қонунлардан 17 тасини барча сиёсий партиялар

фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари бўлган депутатларнинг қонунчилик ташаббуси тартибида ишлаб чиқиш мўлжалланган. Дастурда мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олган ҳолда парламент назоратининг турли шаклларида фаол фойдаланишга, парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини кучайтиришга ва самарадорлигини оширишга қаратилган 40 дан зиёд турли тадбирлар (конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари) ўтказиш назарда тутилган. Депутатларнинг сайлов округларидаги ишини сифат жиҳатидан яхшилашга алоҳида эътибор берилган.

Бу масалани муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар Дастурда олдинги қақриқ парламент ишида мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф этишга катта эътибор берилганлигини таъкидладилар. Бинобарин, Дастурда белгиланган кўпгина вазифалар ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда, кўмиталар қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш, Президент Ислам Каримовнинг маърузасида баён этилган ғояларни амалда рўёбга чиқариш билан жиддий шуғулланмоқда.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида қонун чиқарувчилар олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш учун парламент иши самарадорлигини ошириш йўллари тинимсиз излаш зарур эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу муносабат билан бошқарув органлари тузилмалари фаолияти устидан янада таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлаш, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни кенг ёритиш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустақамлаш муҳимдир.

Парламент назоратининг депутат сўрови, ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг жамиятимиз ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларидаги ишларнинг аҳоли тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш каби шаклларида янада самаралироқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда депутатлар сайловчилар билан янада самаралироқ ишлаши, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва партия ташкилотлари билан доимий мулоқотда бўлиши лозим. Ишлаб чиқилган Дастурнинг айрим бўлимлари ана шунга қаратилгандир.

Муҳокама чоғида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўзининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган фаолияти Дастурини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар кири-

тиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н.Исмоилов тақдим этди. Ҳужжат гаровга оид ҳуқуқ муносабатлари соҳасида кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи ҳуқуқий нормаларни қонунда мустақамлашга, шунингдек, бу соҳада амал қилаётган қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида гаровда кредиторларнинг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқроқ ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши тегишли соҳада ягона намунадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун шароит яратиш имконини беради.

Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар томонидан билдирилган ҳамда ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган барча таклифларни муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралда қабул

қилинган «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси этиб қайта ташкил қилинган.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар қонун лойиҳаси монополияга қарши ишларни янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги ишларни фаоллаштиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этишлари, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатини кучайтиради.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

### АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиққанлик, лицензияни қайта расмийлаштирганлик, шунингдек аудиторга малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва унинг дубликатини бериш учун йиғим суммаларини ўтказадиган махсус ҳисобрақам ўзгарганлиги ҳақида хабар беради.

**Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиққанлик, лицензияни қайта расмийлаштирганлик, шунингдек аудиторга малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва унинг дубликатини бериш учун йиғим суммаларини ўтказиш учун МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ**

Олувчининг номи	Молия вазирлигининг газначилиги
Ҳисобрақам	234 020 004 001 000 010 06
Олувчи банкнинг номи	РҚМ МБнинг Тошкент ш. бўйича ББ
Тўловнинг деталлари	Молия вазирлиги ш/с 401 010 262 669 500 924 0001 лицензияни кўрганлик учун йиғим
Олувчи банкнинг коди	00014
Олувчининг СТИРи	201122919

М.МИРЗАЕВ,  
молия вазири ўринбосари.

УШБУ  
СОҶДА

1-бет

Парламент  
мажлисида

\$1 = 1575,61 сўм

2-бет

Ногиронлик  
гуруҳи ўзгарганда

€ 1 = 2001,58 сўм

3-бет

Низолар судда  
ҳал этилади

£1 = 2254,54 сўм

4-бет

Маслаҳатни  
юрист беради

¥10 = 171,60 сўм

# АГАР ГУРУҲИНГИЗ АЛМАШТИРИЛСА...

**Эшим 50 да, болаликдан ногиронман. 1990 йилда мени муддатсиз болаликдан II гуруҳ ногиронлигига ўтказишди ва мен ЭКИХнинг икки ба-раварига тенг нафақа олардим. 2010 йил мартда аризамга кўра мени III гуруҳ ногиронлигига ўтказишди. Шундан сўнг мен Юнусобод туман ижтимоий таъминот бўлимига пенсиямни қайта кўриш тўғрисида мурожаат қилдим. Менга ишлайдиган пенсионер сифатида пенсиянинг 50 фоизини тўлай бошлашди. Бунини асосда қилишди? Юнусобод туман ижтимоий таъминот бўлимининг катта инспектори саволларимга жавоб бериш ва ўз рад жавобини далиллашдан бош тортиди.**

Г.Собирова.

– Хатингиздан сиз Пенсия жамғармаси бўлимига<sup>1</sup> мурожаат қилишдан аввал II гуруҳ ногирони сифатида пенсионер бўлганлигингиз, мурожаатдан кейин эса III гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсияга ўтказилганлигингиз тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бундан ташқари, ишлайдиган пенсионер мақомига эгасиз, унинг учун амалдаги қонун ҳужжатларида пенсия тўлашнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўлаш тартибининг<sup>2</sup> 2-бандига кўра **ишлайдиган пенсионерларга** пенсия тўловлари **уларга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи миқдоридан** амалга оширилади. Куйидаги шахслар ушбу қоидадан истиснодир:

Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва иштирокчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар<sup>3</sup>;

Улуғ Ватан уруши йилларида фронт орақасида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки ишлаган шахслар;

**I ва II гуруҳ ногиронлари;** Чернобыль ҳалокати оқибатида жабр кўрган шахслар<sup>4</sup>;

фуқаролар ва маҳалла йиғинлари раислари (1998 йил 1 майдан);

ишлайдиган аёллар, агар улар ёшга доир

пенсияга чиққандан кейин ногирон болалар учун интернат-уйлар, меҳрибонлик уйларида ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашда давом этаётган ҳамда пенсияга чиқиш олдида кўрсатилган ихтисосликлар бўйича камида 10 йиллик стажга эга бўлсалар (1999 йил 1 июлдан);


фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишлайдиган пенсионер аёллар (2004 йил 1 декабрдан); оиланинг бошқа аъзоларига (васийлик қилинувчиларга), боқувчи вафот этган тақдирда пенсия олувчи ишлайдиган фуқаролар (васийлар).

Ишлашда давом этаётган, санаб ўтилган шахслар пенсияни 100 фоиз миқдоридан оладилар.

Ногиронлиқнинг II гуруҳидан III гуруҳига ўтиш билан сиз меҳнат фаолиятини давом эттирганда пенсияни 100 фоиз олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тааллуқли

бўлмай қоласиз, тегишинча, сизга иш жойида тайинланган пенсиянинг фақат 50 фоизини тўлайдилар.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон) 49-моддасига мувофиқ ногиронлик гуруҳи ўзгарганда пенсия қайта ҳисоб-китоб қилиниши керак. У пенсиянинг аниқ турини тайинлаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга



оширилади. Чунончи, II гуруҳ ногиронлари учун пенсиянинг базавий миқдори уни тайинлаш учун ҳисоблаб чиқиладиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55%ини, III гуруҳ ногиронлари учун эса – 30%ини ташкил қилади. II гуруҳ ногиронларига ногиронлиги

бўйича пенсия тайинлашда талаб қилингандан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсия миқдорлари уни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1%ига ва III гуруҳ ногиронларига 0,5%га оширилади.

55 ёшга тўлганда (аёллар учун умумий пенсия ёши) сиз ёшга доир пенсия тайинлаш тўғрисида ариза билан Пенсия жамғармасининг яшаш жойидаги бўлимига мурожаат қилишга ҳақлисиз. Сиз давлат ижтимоий сугуртасига тааллуқли бўлган ҳар қандай ишда камида 20 йиллик иш стажига эга бўлганда ва Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган тақдирда эса 54 ёшда мурожаат қила оласиз. Пенсия қайта ҳисоб-китоб қилинаётганда мавжуд ҳужжатларга аризага пенсия ишида ҳисобга олинмаган меҳнат стаж ва иш ҳақи тўғрисида ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Бу ҳолда сиз кейинги йиллар учун ҳам меҳнат стаж тўғрисидаги ҳужжатни тақдим эта оласиз.

Ёшга доир пенсиянинг базавий миқдори стаж тўлиқ бўлганда уни тайинлаш учун ҳисоблаб чиқариладиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55%ини ташкил қилади. Талаб қилингандан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсия миқдорлари ўртача ойлик иш ҳақининг 1%ига оширилади.

Пенсияни тайинлаш, қайта ҳисоб-китоб қилиш, тўлашни тиклаш ёки ўтказиш рад этилган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин 5 кундан кечиктирмай аризага рад этиш тўғрисида хабарнома бериши ёки юбориши, унда рад

этишнинг сабаблари, шикоят қилиш тартиби кўрсатилади, айтиш вақтида илгари тақдим этилган барча ҳужжатларни қайтариши шарт.

**Мария ТУХТАРОВА,**  
**«Норма» МЧЖ юристи.**

## Реклама

**ORMA** Эксперт маълумотнома тизими  
**ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, ИМТИЁЗЛАР**

- Пенсиялар тайинлаш ва тўлаш, шу жумладан айрим тоифадаги ходимларнинг пенсия таъминоти хусусиятлари.
- Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти механизми.
- Болалар учун нафақалар, имконияти чекланган шахслар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, кам таъминланган оилаларга нафақалар ва имтиёзлар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш ва тўлаш тартиби.
- Энг кўп бериладиган саволларга жавоблар.
- Пенсия ва нафақаларни ҳисоблашга мисоллар.
- Ижтимоий таъминотга доир меъёрий ҳужжатлар ва тушунтиришлар.

"Пенсиялар, нафақалар, имтиёзлар" электрон маълумотномаси яқинда сотувга чиқарилади. Харид қилиш учун олдиндан буюртманомаларни (998 71) 237-45-29 телефони ёки info@norma.uz электрон манзили орқали юборинг.

## Инсон ва қонун

**Мамлакатимиз Конституциясининг 35-моддасида фуқароларнинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, улар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун\* (бундан кейин – Қонун) ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қайд этилган.**


Хусусан, унинг 21-моддаси фуқароларнинг оғзаки ёки ёзма мурожаатларини кўриб чиқадиган давлат органларининг мурожаатларини белгилайди. Чунончи, давлат органи мурожаат қилувчига унинг мурожаатини кўриш натижалари бўйича қабул қилинган қарорнинг моҳияти тўғрисида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Қонун фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларга давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс имзо қўйишини талаб қилади. Му-

рожаатни кўриб чиққан орган мансабдор шахсининг зиммасига унга доир қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш мажбурияти ҳам юкланиши боис у мурожаат қилувчига жавоб юбориш билангина чеклана олмайди. Бунинг устига, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида фуқарога моддий ёки маънавий зарар етказилган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни қоплаш чора-тадбирлари кўрилиши керак.

\*2002 йил 13 декабрдаги 446-II-сон Қонун таҳририда.

## ДАВЛАТ ОРГАНИГА МУРОЖААТ ҚИЛСАНГИЗ



Ҳатто фуқаро бундай талабни қўймаса ҳам, қонун ушбу мажбуриятларни давлат органи, унинг мансабдор шахси зиммасига юклайди. Мурожаат қилувчи эса бундай талаблардан ихтиёрий равишда воз кечишга ҳақлидир.

Давлат органларининг мансабдор шахслари ўз мажбуриятларига масъулият билан муносабатда бўлишлари керак. Зеро мажбуриятни бажармаслик ёки уни лозим даражада бажармаслик қонун би-

лан белгиланган жавобгарликка олиб келиши мумкин.

Бироқ айрим ҳолларда мурожаатлар қонун билан белгиланган муддатларда ҳал этилмайди. Бу эса фуқароларнинг ҳаққоний норозиликка сабаб бўлади. Мазкур камчиликларни бартараф этиш, фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз вақтида чоралар кўрилиши учун аҳоли ҳамда

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий саводини ошириш мақсадини кўзлайдиган конференциялар, семинарлар, учрашувларни мунтазам ўтказиш мақсада мувофиқдир. Зеро баъзи ташкилотларда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилишига йўл қўйилади, чунки уларнинг ходимлари қонун моҳиятини чуқур англаб етмайдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, фақат қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик, камчиликларни бартараф этиш бўйича шошилиш чоралар кўриш, суд ишларини фуқаролар манфаатларининг устуворлиги принципи асосида юриштигина фуқароларнинг мурожаатлари бўйича чоралар қўрилишида объектив адолатни ўрнатилган ёрдам бериши мумкин.

**Шароф ГАЛТЕМИРОВ,**  
**Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи.**

УШБУ  
СОНДА:

✓ **ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ**  
– Олий Мажлис Қонунчилик палатасида **1-бет**  
✓ **ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ**  
– Агар гуруҳингиз алмаштирилса...

– Давлат органига мурожаат қилсангиз **2-бет**

✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**  
– Ашё ва унга доир ҳуқуқ  
– Қимматликлар бор эдими...  
– Валюталар курси **3-бет**

✓ **КАДРЛАР БЎЛИМИ**  
– Талабанинг меҳнат дафтарчаси бор бўлса  
– Меҳнат муносабатлари ва фуқаролик-ҳуқуқий шартнома **4-бет**  
✓ **АМАЛИЙ ТАКЛИФ**

– Оммавий оферта  
– Бошқарув ҳисоби – корхонани ривожлантириш омили  
– Ғалати ишлар кўп дунёда **5-6-бетлар**  
✓ **top** **7-8-бетлар**

Эксперт юридик хизмати маслаҳат беради

# АШЁ ВА УНГА ДОИР ҲУҚУҚ

**Фуқаролик кодексининг 165-моддаси мулкдор ҳисобланмаган шахслар ашёвий ҳуқуқларининг мазмунини очиб беради. Унинг биринчи қисми ашёвий ҳуқуқларга хўжалик юрителиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқини киритади.**

**Жамиятимиз устав капиталига устав мақсадларида фойдаланиш учун автомобиль тарзида ҳисса киритилган.**

**1. У бизнинг хўжалик юрителишимизда ёки тезкор бошқарувимизда ҳисобланадими?**

**2. Ашёвий ҳуқуқ тушунчаси устав капиталига ҳисса тарзида киритилган автотранспорт воситасига татбиқ этиладими?**

**МЧЖ муассиси.**

**– 1. Йўқ, ҳисобланмайди.** Фуқаролик қонунчилиги қоидаларига мувофиқ (Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 176, 178, 70, 71-моддалари) хўжалик юрителиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи эгалари

бўлиб унитар корхоналар (давлат унитар корхоналари) ва муассасалари ҳисобланади.

«Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (2001 йил

6 декабрдаги 310-II-сон) 5-моддасининг олтинчи қисми маъносидан келиб чиқилса, **МЧЖ устав фондига ҳисса сифатида киритиладиган мол-мулк унинг мулкига ўтади**, айти вақтда хўжалик юрителиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқида бериладиган мол-мулкка эгаллик ҳуқуқи амалда унинг мулкдориди сақланади. У ўзининг қарори билан хўжалик юрителиш/оператив бошқариш ҳуқуқини бекор қилишга ҳақли (ФК 181-моддасининг учинчи қисми).

**2. ФКнинг 164, 165-моддаларига кўра ашёвий ҳуқуқларга, хусусан, қуйидагилар кирари:**


- мулк ҳуқуқи;
- хўжалик юрителиш ҳуқуқи;
- оператив бошқариш ҳуқуқи;
- мерос қилиб қолдирилдиган ер участкасига умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи;
- ер участкасига доимий эгаллик

қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи;

сервитутлар.

ФКнинг 83-моддасига мувофиқ автотранспорт воситаси\* фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчар мулкдир. У юридик шахсининг, масалан, масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондига ҳисса сифатида киритилиши ва унинг мулкига айланиши ёки хўжалик юрителиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи билан унитар корхонанинг устав фондига берилиши мумкин. Шу тариқа, **ашёвий ҳуқуқ тушунчаси юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритилдиган автотранспорт воситаларига татбиқ этилади.**

**Артём АДЕЕВ,**  
**«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.**



\*Автотранспорт воситалари – йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим-тиркамалар (1998 йил 29 августдаги «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги 674-I-сон Қонун 2-моддасининг учинчи хатбошиси).

Суд ҳукм чиқаради...

## ҚИММАТЛИКЛАР БОР ЭДИМИ?..

### ИШНИНГ МОҲИЯТИ

Кўшма корхона қўриқлаш ташкилоти билан дўкон ва омборни қўриқлашга шартнома тузган. Омбордан 15 млн сўмлик 20 минг бирликда маҳсулот ўғирланган.

Қўриқлаш хизматлари кўрсатадиган субъект ўғирлик билан етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлиши керак деб ҳисоблаб, ҚК судга ундан зарар суммасини ундириш талаби билан мурожаат қилди. Биринчи инстанция судининг қарори билан даъвога рад жавоби берилди. Апелляция инстанциясининг қарори билан у ўзгартиришсиз қолдирилди.

Ушбу суд ҳужжатларига қўшилмаган кўшма корхона Олий ҳўжалик судига уларни бекор қилиш ва даъво қондириш талаби билан мурожаат қилди.

### Кўшма корхонанинг позицияси

Қўриқлаш корхонаси етказилган зарарни қоплашга мажбур, чунки биноларнинг лозим даражада қўриқланишини таъминламаган.

### Қўриқлаш хизматлари кўрсатадиган корхонанинг позицияси

Корхона томонидан илгари ўтказилган инвентаризация натижаларининг ноаниқлиги туфайли дўкон омборида ўғирликкача 20 минг бирлик маҳсулотнинг бўлганлигини аниқ белгилаб бўлмади. ҚК омборда эълон қилинган қийматда маҳсулотнинг бўлганлигини ҳужжат билан тасдиқлай олмади.

### Суднинг қарори

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, кассация шикоятни важ-далилларини муҳокама қилиб, қонун ҳужжатларининг қоидаларини таҳлил қилиб, шуларни аниқлади:

ўғирлик далили бўйича Жиноят кодекси 169-моддасининг тўртинчи қисми бўйича жиноят иши қўзғатилган, кейин эса айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиладиган шахслар аниқланмаганлиги муносабати билан дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилган;

иш бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилган, унинг натижалари бўйича товар-моддий бойликларнинг ўтказилган инвентаризацияси 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»\* талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб, кўшма корхонанинг

зарар суммасини ўғирлик натижасида вужудга келган камомад тарзида ундириш талабини инвентаризация далолатномасидаги маълумотларнинг ишончли эмаслиги боис асосли деб эътироф этиб бўлмайди;

кўшимча суд-бухгалтерия экспертизасининг хулосасига биноан иш материалларида омборда ўғирликка қадар 20 минг маҳсулот бирлиги бўлганлигини ҳужжат билан аниқлаш имконини берадиган зарур бирламчи ва йиғма бухгалтерия ҳужжатларининг йўқлиги аниқланган.

Суд ҳайъати даъвогар зарар суммасини исботлай олмади деб кўрсатди, шу сабабли биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарорини асосли деб топди ва уни ўзгартиришсиз, ҚКнинг кассация шикоятини эса қаноатлангандан қолдирди.

### Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

## КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:  
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



### ШАРҲ

Хўжалик процессуал кодекси 55-моддасининг биринчи қисмига биноан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Ишга доир далиллар бўлиб улар асосида хўжалик суди иш иштирокчиларининг талаб ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини белгилайдиган маълумотлар ҳисобланади. Улар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, иштирокчиларнинг тушунтиришлари ва ҳоказолар билан белгиланади.

Товар-моддий қимматликларнинг (омбор, дўкон ёки бошқа исталган жойда) мавжудлигини судга товар-моддий қимматликларнинг инвентаризация рўйхатини тақдим этиб исботлаш мумкин. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, инвентаризация 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» қоидаларига қатъиян мувофиқлик билан ўтказилиши ке-

рак. Инвентаризация бошланиши олдида ёрдамчи хоналар, омборлар, ертўлалар ва алоҳида кириш ҳамда чиқиш жойларига эга бўлган қимматликларни сақлаш бўйича бошқа жойларни пломбалаш талабларига риоя этилиши, белгиланган тамғалаш муддатларига риоя этган ҳолда барча оғирлик ўлчаш асбобларининг ишлашини текшириш керак. Акс ҳолда суд инвентаризация далолатномасини зарар миқдорини тасдиқлашга қодир ёзма далил сифатида қабул қилмаслиги мумкин.

Товар-моддий қимматликларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳажми шартномалар ва (ёки) бирламчи ҳужжатлар: қандай товар қачон харид қилинганлиги, унинг қиймати ва ҳоказолар аниқ бўладиган ҳисобварақ-фактуралар, юкхатлар билан тасдиқланиши керак. Товарнинг омборга келиб тушиши омборда сақлаш ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттирилиши керак.

**Суд амалиётини «Норма» МЧЖ эксперт-юридик бўлими таҳлил қилди.**

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	20.05.2010	1	0,8036	1	0,9926	1	0,1424
Арманистон	20.05.2010	1	385,85	1	478,53	1	12,56
Беларусь	21.05.2010	1	2995	1	3717,39	1	97,39
Грузия	20.05.2010	1	1,7826	1	2,1712	1	5,8074
Қозоғистон	21.05.2010	1	146,55	1	181,77	1	4,77
Қирғизистон	21.05.2010	1	45,9873	1	57,1158	1	1,5213
Латвия	21.05.2010	1	0,568	1	0,702804	1	0,0185
Литва	21.05.2010	1	2,7806	1	3,4528	10	9,0518
Молдова	20.05.2010	1	12,7194	1	15,4992	1	0,4109
Тоҷикистон	21.05.2010	1	4,3691	1	5,3886	10	1,4212
Ўзбекистон	18.05.2010	1	1575,61	1	2001,58	1	52,42
Украина	20.05.2010	100	792,57	100	972,4834	10	2,5821
Эстония	20.05.2010	1	12,6136	1	15,6466	1	0,410734

Манба: www.prime-tass.ru

\*МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган.



## «NORMA» НАШРИЁТИ

тадбиркорлар, бухгалтерлар, аудиторлар, юристлар ва китоб маҳсулотини харид қилмоқчи бўлган барча хоҳловчиларга Ўзбекистон Республикасининг исталган минтақасига етказиб бериш шартини билан таклиф қилади!

Харид қилиш учун бизнинг оммавий оферта – ушбу сонда эълон қилинаётган таклифдан фойдаланинг

### ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «NORMA» МЧЖ (бундан кейин – Ношир) мазкур таклиф билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган (истиколат қилдиغان) ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадиган, мазкур оммавий оферта эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун давомида қуйида таклиф қилинган шартларни тўлалигича (ўзи танлаган нашр турларини ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишни билдирадиган субъект (бундан кейин – **Харидор**) билан босма маҳсулотни етказиб бериш билан сотиш шартномасини (бундан кейин – **Шартнома**) тузишга тайёрлигини билдиради. Ношир ва Харидор биргаликда Та- рафлар деб номланади.

2. Харидор, мазкур Шартнома шартлари қабул қилинган тақдирда, Ноширни оммавий офертанинг ажралмас қисми ҳисобланган, мазкур Шартноманинг иловасига биноан шакл бўйича тўлдирилган буюртманома-акцептни (бундан кейин – **Акцепт**) юбориш йўли билан, мазкур оммавий оферта шартлари бўйича харид қилишга ўзининг рози- лигини маълум қилади.

Акцептнинг барча устуллари тўлиқ, қисқартирилмасиз, аниқ-равшан, босма харфлар билан тўлдирилиши лозим. Акцепт **244-44-29, 244-18-99, 244-89-17** факслари ёки **100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй, «NORMA» МЧЖ** манзили бўйича почта орқали юборилади. Факсимил ёзишма юридик кучга эга.

3. Шартнома Ношир томонидан Акцепт олинган пайтдан бошлаб тузилган деб топилади ва кучга киради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари бажарилиши пайтига қадар амал қилади.

4. Шартноманинг умумий суммаси Харидор Акцепт- да танлаган нашрлар қиймати билан белгиланади.

5. Харидор Ноширга Акцепт юборилган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк кунни мобайнида нашрлар қийматини 100% олдидан тўлов кўришида тўлаши шарт.

6. Ношир Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини ба- жаришга унинг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари келиб тушганидан кейин ва Акцепт мавжуд бўлганида киришади.

7. Ношир тегишли ҳудудий почта бўлинмалари орқ- али (ёки бошқа усулда) Харидор томонидан танланган нашрларни Акцептда кўрсатилган манзил бўйича Хари- дорга ўз маблағлари ҳисобидан етказиб беришни ташкил этади.

8. Етказиб бериш муддати – Ноширнинг ҳисоб-ки- тоб рақамига пул маблағлари келиб тушган ва Ношир Акцепт олган пайтдан бошлаб 20 (йигирма) иш кундан иборат.

Харидор хоҳишига кўра нашр бевосита Но- шири офисида олинган ҳолда Харидорнинг ва-

6-бетда

# БОШҚАРУВ ҲИСОБИ – КОРХОНАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

**XX асрнинг 40-йиллари охирида АҚШ ва Фарбий Европанинг айрим мамлакатларида «ишлаб чиқариш ҳисоби» атамаси аста-секин «бошқарув ҳисоби» атамаси билан алмашина бошлади. Бу даврда бухгалтерия ҳисоби бошқарув сиёсатининг шаклланиши ва амалга оширилишида фаол иштирок эта бошлади, бухгалтерлар эса тахминлаш, режалаштириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш ва корхона бошқарув хизматларини ахборот билан таъминлаш устидан назорат ўрнатиш соҳасида фаолият юрита бошладилар.**

Сўнги йилларда МДХ мамла- катлари ва Ўзбекистон олимлари ўртасида бошқарув ҳисоби ҳақида баҳс-мунозаралар кўчади. Бу эрада турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси бошқарув ҳисоби – бу бухгалтерия ҳисоби- нинг бир қисмидир деган фикр- да бирлашади.

Бошқарув ҳисобига олимлар томонидан турлича таърифлар берилган бўлиб, баъзилар унинг маъносини торайтириб юборадилар, яъни **бошқарув ҳисобини ахборотларни йиғувчи, қайд этувчи ва умумлаштирувчи куйи тизим сифатида** талқин қилсалар, кенг маънода эса **бошқарув- нинг барча функцияларини (ташқил этиш, режалаштириш, назорат, таҳлил қилиш, ҳисоб, қарорлар қабул қилиш) ўзида мужассамлаштирган корхонани бошқарув тизими сифатида** фа- лайдилар.

С.А.Николаеванинг фикрича бир

хил муаллифлар бош- қарув ҳисобини «ҳисоб» тушунчаси билан, бошқалари эса «бошқарув» тушунча- ри билан боғлайдилар.

АҚШ Бухгалтерлар миллий ассоциацияси мутахассисларининг фикрига кўра, «бошқ- арув ҳисоби – бошқ- арув персоналининг иш- лаб чиқариш жараёни- ни назорат қилиш, ба- ҳолаш, режалаштириш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш учун молиявий ахбо- ротларни аниқлаш, ўлчаш, таҳлил қилиш ва тайёрлаш тизимидир».

Б.Нидлз, Х.Андерсон ва Д.Кол- дуэллнинг фикрича: «бошқарув ҳисоби молиявий ҳисобни кенгай- тиради ва энг аввало, фирманинг ички операцияларида қўлланила- ди. Унинг мақсади – аниқ ишлаб

чиқариш кўрсаткичларига эришиш учун жавобгар бўлган менежер- ларни ахборот билан таъминлаш- дан иборатдир».

Профессор Б.Ҳасановнинг фикрича «бошқарув ҳисоби – бу ички хўжалик ҳисобининг ўтган, ҳозирги ва келгуси давр нуқтаи

нинг ўзига хос хусусиятли томон- лари мавжуддир. Айниқса, хўжа- лик маблағларининг ҳолати, ҳара- кати, бутлиги ва мақсадга муво- фиқ фойдаланилиши ва бошқалар. Бошқарув ҳисоби объектларини эса ҳужжатлаштириш ва инвента- ризация, баҳолаш, меъёрлаш, ре-

қарорларини қабул қилиш ва уму- ман бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун оператив ва ишон- чли ахборотларни етказиб берувчи корхонанинг ички оператив бош- қарув тизимидир.

Маълумки, ишлаб чиқариш ҳисоби ва калькуляция бухгалтерия ҳисобининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Агар хара- жатларнинг пайдо бўлиш жой- лари бўйича фойда солиғи ҳар хил солиқ ставкалари бўйича ҳисобланса, ушбу жойлар бўйича ҳисоб юритиш турли фаолият олиб борувчи корхоналар учун зарурийдир.

Ушбу вазифани ишлаб чиқа- риш харажатлари бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўймас- дан ҳал этиб бўлмайди. Бундай ҳисоб тамойилини истиқболда ривожлантириш бозор жараён- ларини чуқурлаштириш ва улар- ни қонуний жиҳатдан мустаҳкам- лашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз- да солиқ қонунчилиги доирасида корхоналарга берилаётган иқти- содий эркинликлар уларни бош- қарув тизимини такомиллашти- ришга рағбатлантиради, деб ишонч ҳосил қилса бўлади.

**А.ИСМАЙЛОВ,**  
Тошкент молия институти магистранти.



назаридан корхона ва унинг тузил- мавий бўлинмалари харажатлари ва молиявий натижалар тўғриси- даги ахборотнинг яхлит ҳолга кел- тирилган тақдимидир».

Профессор А.Каримовнинг таъ- кидлашича, бошқарув ҳисоби ти- зимида уни ўрганиш объектлари-

жалаштириш, калькуляция, назорат ва таҳлил усуллари орқали ўрга- ниш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоб- лай олмаймиз.

Юқорида келтирилган таъриф- ларни умумлаштирган ҳолда шун- дай хулоса чиқариш мумкинки, **бошқарув ҳисоби – бошқарув**

қили белгиланган шаклда ўз номига расмийлаштирилган ишончнома ва ўз паспортини тақ- дим этади.

9. Шартнома шартларини бажармаганга ёки тегишлича бажармаганлик учун Тарафлар Фуқаролик кодекси, 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фа- олиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»- ги 670-1-сон Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

10. Акцептда манзил Харидор томонидан нотўғри кўрса- тилган тақдирда Ношир Шартнома шартларини бажа- риш учун Харидор олдида жавобгар бўлмайди.

11. Харидор мазкур Шартноманинг 5-бандида кўрса- тилган тўлов шартларига амал қилмаганда Ношир на- шрлар баҳосини уни Харидор билан келишмасдан ту- риб ўзгартаришга ҳақлидир.

12. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки тегишлича бажармаганлик учун, агар у Шартнома тузилгандан кейин Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулод- да тусдаги воқеалар натижасида юзага келган энг би бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берса, жавобгар бўлмайди.

13. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғри- сида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайт- дан бошлаб 7 (етти) кун мобайнида хабардор қилиш- лари керак.

14. Шартнома шартларини бажариш пайтида юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчи- ликларни Тарафлар музокаралар ўтказиш ва келишиш таомиллари йўли билан ҳал қиладилар. Келишувга эри- шилмаган ҳолатда низо кўриб чиқиш учун хўжалик ёки жакамлик судига (Тарафларнинг келишувига кўра) топ- ширилиши керак.

15. Мазкур оммавий офертада тилга олинмаган шартлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### 16. НОШИР РЕКВИЗИТЛАРИ:

«NORMA» МЧЖ

100011, Тошкент, Навоий кўч., 22;

Ҳисоб-китоб рақами: Тошкент ш., Infin банкда 2020800080442322001.

МФО 01041, СТИР 205697778, ХХТУТ 87100.

Тел./факслар: (371) 244-89-17, 244-18-99, 244-44-29.

Баҳодир ҚАЮМОВ,  
«NORMA» МЧЖ директори.

БҲҮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

2010 й.

«НОРМА» МЧЖ оммавий офертасига ИЛОВА

«Норма маслаҳатчи» газетасининг 2010 йил 25 майдаги 21 (254)-соннда эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилди ва Ношир чиқарган қўлидаги нашрларни етказиб бериш шартли билан харид қилди.

«НОРМА» МЧЖ оммавий офертасига ИЛОВА

Table with columns: №, Навишнинг номи, I курс баҳси (сўм), Нисбатлар соти (доллар), Умумий сўммаси (сўм)

Table with columns: №, Навишнинг номи, I курс баҳси (сўм), Нисбатлар соти (доллар), Умумий сўммаси (сўм)

2. Тўланиши керак бўлган умумий сўма ... сўми ташкил этади.

3. Етказиб бериш учун манзил (босма харфлар билан, аниқ):

Form for postal index with grid and address lines.

4. Лоқа боғлаш телефони (минтака коди билан):
5. Лоқа боғландинган шахс:

ХАРИДОР РЕКВИЗИТЛАРИ:

Form for recipient details including name, address, phone, fax, and bank information.

Криминалист эксперт ён дафтарида

ҒАЛАТИ ИШЛАР КЎП ДУНЁДА

Суд эксперти сифатидаги кўп йиллик иш тажрибамда шунга ишонч ҳосил қилдимки, ҳаётда бўлгани каби бизнинг ишимизда ҳам фожиали воқеалар билан қулгили, ғалати воқеалар ҳамиша ёнма-ён юради.

«ЙЎҚ, БУ ЎША ВЕЛОСИПЕД ЭМАС!»

Амалиётимдаги бу воқеани кўп эслайман. Автомашина велосипедни уриб юборганлиги, натижада велосипедчи ҳалок бўлганлиги билан боғлиқ иш юзасидан Навоий шаҳрига боришимга тўғри келди. Аввал бошданок дилхиралик бўлди. Навоийга боргач, самолётдан тушсам, одатга хилоф равишда терговчи мени кутиб олмади. Аэропортда бироз муддат кутгач, туман милиция бўлимига ўзим етиб олишга қарор қилдим. Навбатчи милиционердан йўлни аниқлаб олгач, кўзланган бўлимга борсам, терговчи узрли сабабларга кўра кутиб олишга чиқа олганини айтишди. У иккита тезкор ходимни ўзининг ўрнига аэропортга жўнатган экан. Англашилмовчилик вақт туфайли бўлган – ўшанда барча аэропортлар Москва вақти билан иш олиб борарди, тезкор ходимлар эса буни эътиборга олишмаган.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, мени кутиб олишга кетганлар аэро-

портдан қайтишди, қайта-қайта узр сўраб, авария қилган машинани (у туман бўлими ҳовлисида турган экан) кўздан кечирдим тадоригини қилишди. Терговчининг хонасида ҳалок бўлган велосипедчининг уст-боши жойланган тугунни беришди, уни Тошкентга олиб бориб, лаборатория шароитида текширишим керак эди. Йўлакда велосипед турган экан, уни кўздан кечирдим учун олиб келишди. Синчиклаб кўриб чиқиб, қайта-қайта суратга туширгач, рости, ҳайрон қолдим: велосипеднинг шикастланган жойи, автомобильга урилганлик изи кўринмасди ҳисоб. Ўз тажрибамдан шуни ҳам билманки, йўл-транспорт ҳодисасида ҳар хил вазиятлар бўлиши мумкин. Мен ўзимча автомобилнинг ассий зарбаси велосипедчи орқада олиб келаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти солинган қопга тўғри келган бўлса керак деган хаёлга бордим.

Терговчини кутиб ўтирмай, Навоийдан жўнай қолдим.

Айтиш жоизки, биз, экспертлар, мамлакатимизнинг бирон минтақасига боргудек бўлсак, бундан яқин атрофдаги туманларнинг терговчилари хабар топиб, борганизмдан фойдаланиб қолишга, ўзлари юртаётган ишга доир текширишлар ўтказишимизни илтимос қилишга тушишади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Кўшни тумандаги бир терговчи транспорт-трасология экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорини кўрсатиб, ўз туманига йўл бошлади.

Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, орқамиздан келаётган автомобиль кетма-кет сигнал бериб, бизни қувиб етмоқчи бўлаётганлигини англадик. Машинамиз тўхташи билан ортимиздан келаётган автомобил-


дан жиқ-жиқ тер босган навоийлик терговчи ҳовлиқиб тушди-да, «Йўқ, сиз кўргангиз ўша велосипед эмас», – деди шоша-пиша.

Бироз саросима ва сукунатдан кейин ҳаммамиз хаҳолаб мириқиб қулишдик ва Навоийга қайта қолдик. Маълум бўлишича, текширилиши лозим бўлган велосипед омборхонада экан, биз йўлакда кўрган велосипед эса аллақайси милиция ходиминики экан. Велосипедларда давлат қайд белгилари бўлмагани боис тезкор ходимлар қовун туширган кўринадди. Шу боис хизмат сафарини яна бир кунга чўзиб экспертизани талаб даражасида ўтказишга тўғри келган.

ЎҒРИНИНГ «ХУНАРИ» ОДИЛ СУДЛОВГА АСҚОТДИ

Бу воқеа содир бўлганидан буён нечанча қовун пишиги ўтди... Бухорода содир бўлган бир фалокат туфайли – энгил автомобиль мотоцикл билан тўқнашиб кетганлиги оқибатида мотоциклчи ҳалок бўлган. Тергов бу воқеада ким айбдор эканлигини аниқлаш лозим эди. Шу сабабли трасология ва транспорт-трасология экспертизаси тайинланиб, унинг олдига ҳар иккала транспорт воситасини текшириб, содир бўлган воқеага тўла аниқлик киритиш вазифаси қўйилган эди. Тергов йўл-транспорт ҳодисаси айбдорини аниқлаб, агар автомобиль ҳайдовчиси айбдор бўлса, ишни судга ошириши, борди-ю айб мотоциклчида бўлса, у ҳалок бўлганлиги муносабати билан ишни тугаллаши лозим эди.

Ана шу экспертизани ўтказиш менга топирилгани учун Бухорога жўнаб кетдим. Авария қилган автомобиль жарима майдончасида сақланаётган бўлиб, уни кўздан кечириб текшириб чиққач, мотоциклчи ҳам кўрмоқчи бўлдим. Мотоцикл милиция бўлими биносининг ертўласидаги омборда экан. Аммо омборга қулф урилган бўлиб, кали-



www.caricatura.ru

ти хўжалик мудирисида, мудир эса таътилда экан. Терговчи унинг уйига телефон қилиб, хўжалик мудириси Сочида дам олаётганини билгач, бўшашиб тушди...

Ертўладаги металл эшикни бузишнинг урдасидан чиқа олмадик. Шунда терговчи муаммонинг ғалати ечимини таклиф қилиб қолди. Ўша кезлари иттифоқо милиция бўлимининг дастлабки қамок камерасида томтешар ўғри ушлаб турилган экан. Терговчи унинг ёрдамидан фойдаланишни ўйлабди. Хибсхона «мехмони» қўлга олаётганларидан ундан олиб қўйилган очқичлар ёрдамида қулфни ортиқча уринмай, очиб берди. Мотоциклни кўздан кечиргач, барча керакли текширишларни амалга ошириб, вақтида Бухородан қайтишга муваффақ бўлдим.


Хуллас, бу билан жиноятчи ўз ҳаётида биринчи марта одил судловга хизмат қилган бўлса эҳтимол. Мен эса бизнинг қулфлар ҳар қанча ҳашамдор ва мураккаб бўлмасин, бундай «устаси фаранглар»га бас келмади экан деб ўйлаб қолдим...

Ольга МАРШАНСКАЯ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги республика суд экспертизаси марказининг қатта илмий ходими.

Рассом ҳазили



www.caricatura.ru



# TOP

ЭНГ ЯХШИСINI ТОП!

«Норма маслахатчи» N 21 (254) 2010 йил 25 май



«SANAY» ҚҚ Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юкори сифатли

## КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган


Тошкентдаги  
омбордан сотилади

Тўлов – исталган  
шаклда




Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонали Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,  
Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com


### МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



## АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ



### РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

### Chevrolet NIVA

Ҳақиқий внедорожникнинг янги тури



Буюртмага

H512

Расмий дилер: «Sapar» хусусий корхонаси www.sapar.uz  
Манзил: Тошкент ш., Х.Умаров кўч. (мўлжал – Жанубий вокзал, кичик ҳалқа йўли)  
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87



### Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг вилоят филиалларида бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

**I. РКМБ Андижон вилояти филиалининг аукцион савдосига** Андижон шаҳар СИБ томонидан 24.11.2009 йилдаги 2-344-09-сонли ижро варақасига асосан хатланган Андижон ш., Бобур шоҳ кўчаси, 73-уй манзилида жойлашган Андижон илгизлама ишлаб чиқариш корхонаси ҳудудидаги Г-литерда 13 хонали ишлаб чиқариш ва омор биноси, қурилиш майдони 2 917,0 кв. м, умумий фойдали майдони 2 773,02 кв. м. Бошланғич баҳоси – 170 483 464 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 29 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулк 2010 йил 29 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 20 июль кунни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-374) 224-37-86 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишнинг мумкин.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва сана-

сини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилоят филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти бўлимига МФО: 00069, ИНН: 200933850, х/р: 22622000200571452003га тўлашлари шарт. Манзил: Андижон ш., Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 1-қават, 105-хона. Телефонлар: (8-374) 224-48-53, (8-374) 224-37-86.

**II. РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг аукцион савдосига** Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Сирдарё вилоят ҳўжалик судининг 2010 йил 23 апрелдаги 12-1007/1090-сонли ижро варақасига асосан қарзни ундириш эвазига хатланган: 1. Гулистон шаҳар, 3-мавзе, Қурувчилар кўчасида жойлашган «Сирдарёгўштсавдо» ОАЖга қаршли умумий майдони 405,9 кв. м бўлган бир қаватли оморхона. Бошланғич баҳоси – 29 065 926 сўм. 2. Умумий майдони 293,69 кв. м бўлган бир қаватли оморхона. Бошланғич баҳоси – 21 030 726 сўм. 3. Умумий майдони 2 726,29 кв. м бўлган бир қаватли оморхона. Бошланғич баҳоси – 195 255 760 сўм. 4. Умумий майдони 481 кв. м бўлган икки қаватли маъмурий бино. Бошланғич баҳоси – 34 443 731 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 22 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва сана-

лишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг ДТ Халқ банки Сирдарё шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО 00760, ИНН: 200933850, х/р: 20210000800571452122. Манзил: Гулистон шаҳар, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 56-хона. Тел.: (8-3672) 262-28-93, 26-38-91.

**III. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига** Суд департаментининг Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлими Навоий вилоят ҳўжалик судининг 2010 йил 5 апрелдаги 21-1005/1671-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган «Саховат бозори» ОАЖга тегишли, Навоий ш., Марказий деҳқон бозорида жойлашган, ум. майд. 406,60 кв. м бўлган А, А1, Б-литердаги гўшт павильони биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 224 182 772 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 22 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва сана-

санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Навоий филиалининг АТ «Ипотекабанк» Навоий филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО 00205, ИНН 200933850, х/р: 20210000300571452458. Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Тел.: 8 (436) 22-4-15-61, 22-4-64-31.

**Юқорида кўрсатилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.**

**Диққат!**

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади.

Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига қўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.  
www.rkmb.uz. Лицензия: ДВ 001 №000004.

**ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА**

**QUVVAT** ишлаб чиқаради

Узбекистон Бозорида 12 йил

**ЭЛЕКТРОН СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР ИССИҚЛИК ҲИСОБЛАГИЧЛАР SUMMATOR-3**

Товарлар сертификатланган Хизматлар лицензияланган

Ангрен ш. + (99870) 662 44 77, + (99893) 182 46 57, Тошкент ш. + (99898) 300 22 67  
E-mail: sales@quvvat.uz, web-site: www.quvvat.uz 112-09

**ART MEBEL GROUP**

Офис ва уй учун

**МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**

Мақбул нархларда  
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собик МУМ) – 3-қават
2. Бериуний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция (мўлжал – «Фунча» кинотеатри, «Тинчлик» м.б.)

057-10

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан қуйидагиларни сотади

◆ **ТИҚИНЛИ АРМАТУРА: ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, КЛАПАНЛАР, ЗАТВОРЛАР, КОНДЕНСАТ ҚАЙТАРГИЧЛАР, КРАНЛАР** (зангламайдиған, пўлат, чўян, алюминий, пластмассадан, гуμμирланған)

◆ **ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача** (йўловчи, юк ташувчилар)

- ◆ Фавворали арматура φ 65/350
- ◆ Насос X-250-200-315 Т,
- ◆ X-200-150-500 К-СД-УЗ ПНС-500/10
- ◆ Электр, қўлда ишлайдиган насослар
- ◆ МСК 1000/350
- ◆ Электр таллар, кран-балкалар (қўлда ишлайдиган, электр)
- ◆ КТЦ, УКВ, КТН саноат кондиционерлари
- ◆ Дизель кўчма электр станцияси 60 кВт
- ◆ Муз генератори (30x30 мм ли кубиклар)
- ◆ «Россианка» электр плиталари (4 конфоркали, духовкаси бор)
- ◆ Сув, бугда ишлайдиган калориферлар, КИД, КВУ клапанлари
- ◆ Гидрантлар, ўт Учирувчилар энглари

Тел./факс 273-83-86, 273-95-90, 175-81-56 (уяли). E-mail: kaspi64@bk.ru

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

**ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ**

ассортиментда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

**НАСОСЛАР**

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги  
дренаж учун ГНОМ туридаги  
К туридаги, Консоль  
«КАСКАД» ҚЎЗ

ВК туридаги, Вихрли  
ЦМК туридаги, фекаль  
«Андижанец» насоси

Тел.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

**РЎЙХАТ**

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 5 майдаги 10-1019/7279-сонли ва 10-1019/7280-сонли ажримларига асосан Бектемир туман ДСИда рўйхатдан ўтган «Жамшидjon келажаги» ХК ҳамда «Сабина бону НЕТ» МЧЖ бўйича банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жараёни қўлланилган. Мазкур корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак шаклидаги штамплари бекор қилинади. Кредиторлар ўз мурожаатларини Тошкент ш., Х.Бойқаро кўчаси, 92-уй, Бектемир туман ДСИ биноси, 213-хонага билдиришлари мумкин. Ушбу корхоналар кредиторларининг барча эътироз ва даъволари эълон босилган кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида Бектемир туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел. 295-35-76.

